

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ КАПИТАЛ БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИННИГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хасанов Хайрулло Насруллаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

email: hayrullo.khasanov@gmail.com

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 10

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss10/a10

ABSTRACT

Мазкур маколада капитал бозорини ривожлантирида акциядорлик жамиятларининг ўрни ва долзарблиги асосланган. Миллий капитал бозорини ривожлантириши орқали акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш механизмини диверсификациялаш имкониятлари тадқиқ этилган. Кейнги йилларда кимматли қоғозлар бозори савдо хажми, акциядорлик жамиятлари томонидан кимматли қоғозлар савдосидаги иштироки таҳлил қилинган. Миллий капитал бозорини ривожлантиришга доир илмий таклиф ва мулоҳазалар баён этилган.

KEYWORDS

капитал бозори, акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, молиявий ресурслар, молия стратегияси, акция, фонд бозори, молиявий таъминот, инвестицион стратегия, инновация.

Kirish (Introduction/Введение)

Иқтисодий ислохотларни чукурлаштиришнинг жорий боскичидаги мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлатнинг иштирокини боскич-боскич камайтириш орқали уларни капитал бозоридаги иштирокини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таҳлил натижаларидан кўринадики, кейнги йилларда акциядорлик жамиятларини капитал бозоридаги иштироки хусусан кимматли қоғозлар бозорида савдо операциялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда. Шу билан бирга давлат томонидан мазкур йўналишдаги истиқболли стратегияларни амалиётта тадбик этилаётгандаги капитал бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият қасб этади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида «мамлакатимизда капитал ҳаракатини боскич-боскич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш ҳамда саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш» [1] иқтисодиёт соҳасидаги асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб олинган. Шунга мувофиқ, ташки мухитдаги ўзгаришларга мос равишда корпоратив молия сиёсатини мувофиқлаштириши, замонавий корпоратив бошқарувнинг услубиятини жорий этиш, молиявий таъминотнинг кўшимча манбаларини шакллантиришда молия бозори билан муносабатларни ривожлантириш, молиявий рискларни бошқаришда халкаро стандартларни жорий этиш, капитал тузилмасини оптималлаштиришда молиявий технологияларни татбиқ этишга доир илмий тадқиқотларни амалга оширилиши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар шархи (Literature review, Анализ литературы).

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда капитал бозорининг ўрни ва унинг аҳамияти, капитал бозорини трансформация килиш ва замонавий ёндашувларни тадбик этишга доир мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан катор

тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Капитал бозори молиявий бозорнинг бир кисми бўлиб, унда «узқ муддатли пул» деб аталадиган яни бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган маблаглар реализация қилинади. Капитал бозорида эркин капитал ва инвестициялар турили фойдали молиявий активларга қайта таксимланади [2]. Капитал бозори - ўрта ва узоқ муддатли молиявий воситалар бозори бўлиб, яни инвестицияларнинг даромадлилик даври нуқтаи назаридан бир йилдан кам бўлмаган даврни ўз ичига олади. Ушбу хусусият мазкур бозорда йирик капитални жалб қилиш учун куляй бўлиши нуқтаи назаридан ифодаланиб, иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларга реал таъсир кўрсатади [3].

Инвестициялар назариясида капитал бозори, инвестиция киритиш орқали даромадга эга бўлиш, шу жумладан кафолатланган даромадни таъминлаш, эркин шаклда ёки олинган карз манбаларини кайтаришини хисобга олган холда ташки молиялаштириш имкониятни берувчи бозор сифатида таснифланади. Капитал бозори фаолиятининг асосий мақсади кредиторларнинг мавжуд маблагларини, ўз бизнесини молиялаштириш учун фойдаланадиган карз олувчилик ўртасида энг фойдали тарзда таксимлашдир [4]. М.И.Касимова томонидан таклиф этилган капитал бозорининг таърифига кўшилган холда, «капитал бозори – иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар бўлиб, бу бир томондан, талабни ва бошқа томондан – инвестиция маҳсулотларига бўлган таклифи юзага келтиради» дейиш мумкин. Шу муносабат билан, М.И.Касимова қонуний тарзда капитал бозорларини инвестицион товарларга, яни пул маблагларига, кимматли қоғозлар ва бошқа қиймат шаклларига “боглайди”, буларнинг мақсади эса фойда олишдан иборат хисобланади. Капитал бозорида узоқ муддатли ҳамда кисқа муддатли капитал ва мажбуриятлар ҳам кенг мумомалада бўлади. Иқтисодий адабиётларда пул (кисқа муддатли) бозори ажратиб кўрсатилади ва бу факат молиявий ресурсларни жалб қилиш муддати билан изоҳланади. Моҳиятига кўра, иқтисодий категория сифатида “капитал” қиймат сифатида, капитал бозорига хос бўлиб, унда кўшимча қиймат

1-жадвал

TQQMP Nego – талабномаларни қабул қилишнинг маҳсус платформаси¹

| № | Эмитент | Тикер | Танлов якунланган сана | Бир дона акциянинг бошлангич нарихи, сўм | Танлов натижасига кўра акция нарихи, сўм | Сотувга кўйилган акциялар сони, дона | Танлов натижасига кўра сотувга кўйилган лотининг ҳажми, млн. сўм |
|----|------------------------------------------------|-------|------------------------|------------------------------------------|------------------------------------------|--------------------------------------|------------------------------------------------------------------|
| 1. | “Кўкон ёғ-мой” АЖ | KUYM | 03.02.2023 | 32906,0 | 32906,0 | 710170 | 23368,8 |
| 2. | “Янгиштўр ёғ-мой” АЖ | YGYM | 03.02.2023 | 2407,94 | 2407,94 | 17008225 | 40954,7 |
| 3. | “Башкадарё пармалаш шундари” АЖ | QAPI | 20.02.2023 | 1036,94 | 1379,0 | 10900900 | 15032,3 |
| 4. | “Андижон тажриба-синов заводи” АЖ | ATSZ | 10.03.2023 | 13130,34 | 16242,98 | 307625 | 4996,7 |
| 5. | “Хўжаобод технологик транспорт бозорларини” АЖ | XTTB | 27.03.2023 | 13144,94 | 13144,94 | 164814 | 2166,4 |
| 6. | “Урганчикормаш” АЖ | URGK | 11.04.2023 | 22523,0 | 22523,0 | 130182 | 2932,08 |
| 7. | “Матбуот тарқатувчи” АЖ | MATA | 27.04.2023 | 17901,0 | 17918,91 | 260000 | 4658,9 |
| 8. | “Нефт ва газни шундари шундари таъмирлаш” АЖ | NGIS | 04.12.2023 | 11272,73 | 11284,01 | 51018 | 575,6 |
| 9. | “ORGRES” АЖ | ORGs | 27.11.2023 | 32652,03 | 32684,69 | 205600 | 6719,9 |

яратилади ва бунда узок муддатли ва қиска муддатли воситалардан фойдаланилади [5].

Молия бозорининг замонавий кўринишлари ва унинг таркибий сегментларига доир илмий монография муаллифи Иванова В.В. нинг фикрига кўра, “молия бозори - молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда молиявий битимларни амалга ошириш соҳаси” [6].

Капитал бозори тушунчасининг мояхитини аниқлаштиришининг мураккаблиги шунда кўринади, унинг инфратузилмаси молиявий бозорининг кисми хисобланган пул бозори билан чамбарчас боғлик ва молиявий инструментлар капитал бозори ва пул бозори учун бир хилдир. Капитал бозорига жалб қилинаётган молиявий ресурслар ҳажми, жалб қилиш усуслари ва жалб қилувчи молиявий инструментлар, капитал бозорининг аник сегментлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро боғлик.

Tadqiqotni amalga oshirishda foydalanilgan usullar (Methods/Методы).

Маколада капитал бозори, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда капитал бозорининг ўрни ва аҳамияти, илмий асосларини ёритишга қаратилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмалари тадқиқ этилган. Шунингдек тадқиқотда математик-статистик моделлаштириш, қиёсий таҳлил, корреляция ва регрессия, мантикий фикрларни каби усуслардан фойдаланилган.

Olingan natijalar (Results/Результаты).

Ўзбекистонда 2023 йилнинг якунлари бўйича кимматли қоғозлар бозори динамикасини ўтган йилларга нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлди. Хусусан, йил якуни бўйича умумий қиймати 2,71 трлн сўм бўлган 411 870 та савдо битимлари қайд этилган. Ушбу битимларда жами 107 та эмитентнинг 28,08 млрд дона қимматли қоғозлари иштирок этган. 2023 йилда биржанинг савдо платформаларида тузилган ўртача кунлик битимлар сони 1660 данани, ўртача кунлик битимлар ҳажми 10,94 млрд сўмни, қимматли қоғозларнинг ўртача кунлик савдоси сони эса 113,23 млн данани ташкил қилган. Агар ушбу кўрсаткичларни ўтган йилги кўрсаткичлар билан солишириладиган бўлса, 2023 йилда ўртача кунлик савдо битимлари сонининг ижобий ўзгаришини таъкидлаш мумкин. 2022 йилда ўртача битимлар сони 327 тани ташкил этган бўлса, 2023 йил якунига кўра бу кўрсаткич 1660 тага етган ва ўсиш суръати 408,17 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичдаги ижобий ўзгаришларга қимматли қоғозлар савдоси учун мўлжалланган Jet.uz мобил иловасининг ишга туширилиши сабаб бўлган.

“Stock Market” акциялар бозорининг асосий савдо майдончаси бўлган G1 – “Main Board” бўлимида 2023 йилда 93 та эмитентнинг акциялари билан жами 362,87 млрд сўмлик 398 808 та битим тузилди. Битимларнинг энг катта ҳажми “Octobank” АТБнинг /ОСВК/ оддий акциялари билан тузилган 157,35 млрд сўмлик битимларга тўғри келди. Т1- «Nego Board» савдо майдонида, яъни, музокаралар аукциони режимида, ҳажми чиқарилган қимматли қоғозлар умумий сонининг камида 1% ни ташкил этадиган қимматли қоғозлар пакетлари билан битимлар тузиладиган бўлимда, кўриб чиқилаётган даврда 28 та эмитентнинг қимматли қоғозлари билан умумий қиймати 1,91 трлн сўмлик 148 та битим қайд этилган. Битимларнинг

энг катта ҳажми «Solutions LAB» АЖнинг /SOLA/ оддий акциялари билан тузилган бўлиб, 672,68 млрд сўм ёки умумий биржа ҳажмининг 24,80%ни ташкил этди. Қимматли қоғозларни олди-сотди битимларини амалга ошириш ёки “Қимматли қоғозларни тўловсиз клиринг килиш ва етказиш” усулини нақд пулсиз ҳисоб-китобларсиз чиқариши натижасига эмитент томонидан ўз қимматли қоғозларни жойлаштириши учун мўлжалланган “FoP Board” савдо майдонида Зта тест ва “Qo'pon biokimyo” АЖ нинг қимматли қоғозлари билан 248,38 млрд сўмлик 1 та ийрик битим амалга оширилган.

Умуман олганда, 2023 йил охирида TQQMP Nego платформасида қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш бўйича потенциал инвесторни аниқлаш мақсадида танлов ўтказилган ва танлов натижасида “Nego Board” савдо платформасида 9 та эмитентнинг акциялари билан битимлар амалга оширилган (1-жадвал). 2023 йил якуни бўйича “Тошкент” РФБ биржа котировкалари варагида 117 та эмитентнинг 175 қимматли қоғозлари мавжуд бўлиб, улардан 112 таси акциялар эмитентлари, шундан 2 таси акция ва облигациялар эмитентлари ва 5 таси факат облигация эмитентларидир. Биржа котировкалари варагида, акция эмитентлари уч тоифага бўлинган. Улардан:


- «Premium» тоифасида - 1 та эмитент, «Ўзбекистон республика товар-хомаше биржаси» АЖ /URTS/;

- «Standart» тоифасида - 85 та эмитент;

- «Tranzit» тоифасида - 25 та эмитент мавжуд.

Tahillar (Analysis/Анализ).

2023 йилда иқтисодиётнинг 10 та турли хил соҳа эмитентларининг қимматли қоғозлари билан биржа савдолари амалга оширилган бўлса, энг кўп битимлар банк ва саноат секторлари эмитентларининг қимматли қоғозлари билан амалга оширилган. Банк сектори эмитентларининг қимматли қоғозлари билан 229 898 та битим тузилган бўлиб, бу биржа битимлари умумий 55,82 фоизини ташкил этган (1-расм).




1-расм. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича 2023 йилдаги битимлар сони (дона)²

Саноат тармоғидаги 12 та эмитентларнинг қимматли қоғозлари билан 36 798 та битим тузилган (биржа битимлари умумий сонининг

8,93 фоизи). Биржа операциялари умумий ҳажмининг 35,83 фоизи банк сектори кимматли қозголари хиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу соҳа эмитентлари билан тузилган битимларнинг умумий ҳажми 971,97 млрд сўмни ташкил этган. Бошқа тармоқдаги эмитентларининг кимматли қозголари билан тузилган битимлар ҳажми 702,69 млрд сўмни ташкил этган ва бу кўрсаткич умумий биржа ҳажмининг 25,90 фоизини ташкил этган. Акциядорлик жамиятларининг агросаноат ва энергетика тармоқлардаги кимматли қозголари билан тузилган битимлар мос равишида 597,74 млрд сўм ва 119,45 млрд сўмга етган. Энг кам миқдордаги битимлар курилиш ва лизинг соҳасидаги кимматли қозголар билан тегишила равишида 17,76 млрд ва 13,90 млрд. сўмлик битимлар тузилган (2-расм).

Эмитентларнинг кимматли қозголари билан тузилган битимларнинг энг катта ҳажми ва энг кўп сони Тошкент шаҳрида жойлашган эмитент кимматли қозголари билан қайд этилган. Ушбу худуддаги эмитентларнинг кимматли қозголари билан тузилган барча 291 746 та битимнинг умумий суммаси 2,02 трлн. сўм бўлиб, биржа савдолари умумий ҳажмининг 74,57 фоизини ташкил этган. Битимлар ҳажми бўйича кейинги ўринни Фарғона вилояти эмитентларининг кимматли қозголари эгаллаган бўлиб, ушбу вилоятда жойлашган акциядорлик жамиятларининг кимматли қозголари савдоси ҳажми 571,46 млрд. сўмни ташкил этган.



2-расм. Иқтисодий тармоқлар бўйича 2023 йилдаги битимлар ҳажми (% да)³

2023 йил бўйича акция эмитентларининг умумий бозор капиталлашуви бироз оғиши билан ўсиш тенденциясини кўрсатган ва шу давр бошидаги кўрсаткичга нисбатан 83,22 фоизга ўсиши кайд этган. Ушбу даврда бозор капиталлашуvinинг максимал даражаси – 170,87 трлн. сўм 2023 йил 3 ноябряда қайд этилган. Бозор капиталлашуvinинг энг паст киймати 20 январга тўғри келган бўлиб, ўшанда эмитентларнинг умумий капиталлашуви 89,80 трлн. сўмни ташкил килган. Капиталлашуvinинг ўсишига бир канча омиллар таъсир кўрсатди, бунда кўрсаткичининг 92,47 трлн сўм миқдоридаги бошлангич киймати кўриб чиқилаётган давр охирiga келиб 144,02 трлн сўмгача ўди. Шундай омиллардан бирни 2023 йил 20 февралдан, IPO якунланганидан сўнг, "UzAuto Motors" АЖ /UZMT/ оддий акциялари билан биржада савдоларининг бошланиши бўлди. Номинал киймати 5 000,00 сўмни ташкил этган акцияларнинг савдо нархи ўртача 68 000,00 сўмни кайд этди. Бозор капиталлашуvinинг ўсишига сабаб бўлган навбатдаги сезиларли фактор, бу "Халқ банки" АТнинг /XKBK/ акциялари биржада котировкалари варагига киритилганлигидир. Ушбу эмитентнинг умумий бозор капиталлашуви 7,35 трлн сўмдан ортикни ташкил этади. Шу билан бирга, айрим эмитент акциялари савдо нархининг баркарор ўсиб

бораётгани ҳам акция эмитентларининг бозор капиталлашувидағи ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди.

Фикримизча, мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантиришининг мақсади барча тоифадаги инвесторлар учун ресурсларни йўналтириш ва капитал жамлаш учун самарали бозорни яратиш орқали уни иктисадийнинг асосий молиз бозорларидан бирига айлантириши назарда тутади. Бозорни ривожлантириш йўналишлари сифатида эса, кимматли қозголарнинг замонавий турларини жорий этиш орқали инвесторларга турли танловлар тақдим этиш шунингдек ҳалқаро капитал бозорига "чикиш" да молиявий саводхонликни оширишга доир электрон платформаларни ривожлантириш керак.

Хуласа ва таклифлар/ Выводы и предложения/ Conclusions and suggestions.

Капитал бозорини давлат томонидан тартибга солишини такомиллаштиришда ягона мегарегулятор механизмини таъсиричанлиги ва мустақиллигини таъминлаш мухим аҳамиятга эга. Мазкур жараёнда мустакил карорлар қабул қилишини такомиллаштириш мақсадида ҳалқаро амалиёт тажрибаларга таянган ҳолда кимматли қозголар бозорини ривожлантиришда нодавлат ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш механизмини яратишга алоҳида аҳамият қартиш зарур.

Капитал бозорининг ривожланиши кўплаб омилларга, жумладан, макроиктисодий баркарорлик, сиёсий баркарорлик, тартибга солиш ва назорат килиш даражаси, инфратузилма ва технологик инновацияларнинг мавжудлиги, маълумотларнинг мавжудлиги, инвесторларнинг маълумоти ва тизимга бўлган ишончга боғлик. Бу омиллар ўзаро боғлик бўлиб, биргаликда капитал бозорининг ривожланиши даражасини ва баркарорлигини белгилайди.

Капитал бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш учун хукукий-меърий мухитни такомиллаштириш, фирибгарликка қарши чораларни кучайтириш, рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, молиявий саводхонликни ошириш, технологик инфратузилмани ривожлантириш, ахборотдан фойдаланишини таъминлаш ва инвесторларнинг хукуқларини химоя килишининг самарали механизмларини яратиш зарур. Бозордаги бу вазифалар нафакат тартибга солувчи ташкилотлар балки капитал бозорини ривожлантишга доир институтлар, бозор иштирокчилари, нодавлат ташкилотлар ҳамда бозорларда бизнес амалиётини яратиш ва шакллантириш имкониятига эга бўлган алоҳида йирик институционал инвесторлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ривожланган капитал бозори инвестицион ресурсларни самарали тақсимлаш имконини беради. Капитал бозори инвестицион ресурсларни кайта тақсимлаш билан бирга мамлакат иктисолидётида ишлаб чиқарилган умумий қўшилган кийматни ва ресурслардан фойдаланишини самарадорлигини ошириш имконини беради. Капитал бозорининг ривожланиши, шубҳасиз, компаниялар учун учинчи томон капиталини жалб килишга ёрдам беради, бу эса лойиҳалар ва инновацион гояларни амалга ошириши рағбатлантиради. Шунингдек, капитал бозорини ривожланиши корпоратив бошқарув механизмини такомиллаштириш, бизнес шаффоффлигини ошириш, ракебини рағбатлантириш орқали қўшимча янги иш ўрнини яратишга ёрдам беради ва капитал тақсимоти самарадорлигини оширади.

References:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараккиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
- Tatiana Didier, Ross Levine, Ruth Llovet Montanes, Sergio L. Schmukler Capital market financing and firm growth, Journal of International Money and Finance, Volume 118, 2021, 102459, ISSN 0261-5606, <https://doi.org/10.1016/j.jimonfin.2021.102459> (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0261560621001108>)
- Rafał Czupryn, Łukasz Wójtowicz The Influence of the Capital Market on Economic Growth in the USA. Central European Review of Economics & Finance vol. 35, No. 4(2021), pp. 5-14.
- Alden E., Strauss R. How America stacks up: Economic competitiveness and US policy. – Council on Foreign Relations Press, 2016.
- Касимова М.И. Рынок капиталов: сущность, содержание и его место в системе рыночных отношений//Фундаментальные исследования - с. 2016.
- Иванова В.В. (2014) Современные финансовые рынки: Монография - М.: Проспект – 2014, 572 с.

-
7. Burkhanov A. U., Hamdamov O. N. Financial management. Textbook //T.:«Innovative development publishing house», -2020.
 8. Элмуродов Ш. ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВОЙ БАЗЫ ФИНАНСОВЫХ МЕХАНИЗМОВ СОКРАЩЕНИЯ СКРЫТОЙ ЭКОНОМИКИ //ББК 1 Р76. – 2023. – С. 302.
www.napp.uz - Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг расмий веб-сайти.
www.davaktiv.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайти.
www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг расмий веб-сайти
www.uzce.uz – Тошкент РФБнинг расмий веб-сайти
- ..